

# Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2023-yil  
8-avgust  
seshanba  
№ 100 (4852)



Ёзги соғломлаштириш



Фарғона вилояти

Халқаро ҳамкорлик

## ТОЖИКИСТОНЛИК НУРОНИЙЛАР СИҲАТГОҲДА, БОЛАЛАР ЭСА ОРОМГОҲДА ДАМ ОЛИШМОҚДА



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲАМДА ТОЖИКИСТОН МУСТАҚИЛ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ИМЗОЛАНГАН МЕМОРАНДУМ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА КОНИБОДОМ ШАҲРИДАН 50 НАФАР ёШЛАР ҲАМДА 10 НАФАР ФАХРИЙЛАР ЎЗБЕКИСТОНГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ.

Конибодом шаҳар маъмурияти раиси Абдусалом Тўхтабиннида бошчилигидаги делегация аэзолари Бешарик туманингда «Андархон» чегара-божхона постида ўзбекона лутф ила карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилоятини кенгашлаширалинига оғизи мурасимини ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ҳаралиев ва Бешарик тумани ҳокими Расулжон Жўраев меҳмонларнинг юртимизга ташрифидан мавзун эланликлари, кейнинг йилларда икки ёлнинг алоқалари тобора юксалиб бораётганини ётироф этиши.

Дўстона ва самимий суббатдан сўнг токикистонлик 50 нафар ўғил-қизлар Бешарик туманидаги болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти тасарруфидаги «Товул» болалар оромгоҳига, меҳнат фахрийлари эса саломатликларини мустаҳкамлашлари учун сўлим гўша хисобланган «Олтин кўл» сиҳатгоҳига жойлаштириди.

— Оромгоҳимизда ўзбекистонлик ва токикистонлик ўғил-қизлар биргаликда, мароқли ҳордик чиқармоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Хуршидjon Исламтуллаев. — Уларни хушнуд этиш учун

бир-биридан ажойиб дастурлар уюштириш ва вилоят бўйлаб саҳёатларга олиб боришни режалаштирганимиз.

— Токикистонлик тенгдошларим билан бирга дам олаётганимдан хурсандман, — дейди Хадичахон Акрамова. — Улар билан тезда дўстлашиб кетдик. Мехмонларимиз токиж тилида, биз эса ўзбек тилида ким кўп шеър айтиш бўйича мусобақалашамиз.

— Оромгоҳдаги шароитлар, шинам ва озода хоналар менга ёқди. Айниқса, бу ерда дам олаётган ўзбекистонлик қизлар бизни яхши кутиб олиши, — дейди токикистонлик Заршида Кабулова. — Бу ерда дам олягиман.

Болажонларнинг мароқли ҳордик чиқаришлари учун ҳар кунга алоҳида дастурлар белгиланган бўлиб, бунда турли учрасувлар, маданий тадбирлар, театр томошалари, концерплар кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, «Товул»даги ҳар бир кун иккى қарашда ёшларни болаларига бирдек манзур бўлмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ  
«ISHONCH»



Келгуси  
сонлардаги  
ўқинг...

Сирдарё  
вилояти

Сирдарё вилояти ҳокимлиги ётиборига!

Бухоро  
вилояти

## Йўлини йўқотган қишлоқлар

Сайхунобод туманинг чекка ҳудуди – Сирдарё бўйида жойлашган Оқчоб, Тўра, Турковул, Бешбулоқ, Тожиковул, Янгиюбод қишлоқлари аҳолиси туман ёки вилоят марказига борадиган 10 километрлар чамасидаги йўлнинг аҳволи айни дамда жуда ҳам ачинарли ҳолатда.

Холбуки, бундан иккى олдин бу йўллар асфальтланган, текис ва равон эди. Хўш, нега қисса муддатда у ба аҳволга тушди?

Гап шундаки, дарёдаги ўндан зиёд карьердан кум ортиб чиқаётган улкан юк машиналари уларни мана шу ҳолга солиб кўйган. 40-50 тонналик юк ортилган машиналар кечаю кундуз тинмай қатнайвергач, йўлдаги асфальт, тошлар ўрнида тизза бўйли тупроқли чукурлар пайдо бўлган. Ахвол шу даражага етдики, ҳатто, эндиликда ўша машиналарнинг ўзлари ҳам йўлдаги чукурликларга тушиб, бир-бирларини тортиб чиқаришяти.

Шу ерда яшовчи одамларнинг айтишича, бу йўллarda ҳеч бир уловда юришининг иложи қолмагач, улар далаларни сугориш учун тортилган кўттарма ариқ бўйини текислаб йўл солиб олишган. Ҳозир ўзаро пул йиғиб, йўлга тоз тўқтиришяти. Бу омонат, тор йўлда эса бир томонга қараб, факат битта улов юра олади ҳолос.

Ўз-ўзидан савол туғилади: бу одамлар тегишли жойларга муроҷаат қилишини билишишмайдими?

Биладилар, албатта. Аммо улар кутган садо чиқишига ишонишмайди-да!

Холатни кузатган киши йўлаб қолади: дарёдаги текин бойлидан манбаатдор бўлаётгандарга тупла-тузук йўлларни бузишга ким ҳуқуқ берган? Қишлоқлар ин-фратузилмасини яхшилаш ҳақида чиройли нутқлар сўзлаётган масъуллар хотирасидан дарё бўйидаги ҳудудлар бутунлай фаромуш бўлдимикин?

Эҳтимол, ана шу лоқайдлик йўлбузарликка «йўл очиб» бераётган бўлса, не ажаб...

Баҳор ХОЛБЕКОВА,  
Комила БОЙМУРОДОВА,  
«ISHONCH» муҳабирлари



Айдаркўл  
иккинчи оролга  
айланмайдими?



Ўзаро ҳамкорлик  
самаралари



Бирорга  
фойда, бирорга  
зарар...



Миннатдорлик

## Меҳрини муҳом жисе тобдим

Математика фани бўйича мактабда узоқ йиллар муаллимлик қилдим. Шоғирдлар ортириб, устозлик мақомига эришдим.

Ромитан туманиндан 28-мактаб математика фани ўқитувчиси

Башира КЕНЖАЕВА,


Гулбеким Шарипова ҳамда Марҳабо Ҳожиева билан сиҳатдоша мириқиб ҳордик, чиқариб, саломатлигимизни тиклаб қайтдик. Ёзинг жазира маунатини сўлим сақин маскандага ўтказишмiga сабаби бўлган касаба уюшмаларидан чексиз миннатдорман.



Самарқанд вилояти

Йиғилиш

**2023 ЙИЛ – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРИДА КЎЗДА ТУТИЛГАН МАҚСАД-ВАЗИФАЛАР КЎЛАМДОРЛИГИ БИЛАН ЎЗГАЧА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. БУ МАСАЛА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНГ САМАРҚАНДА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЁР ИЖРОИЯ ҚўМИТА ЙИҒИЛИШИДА КЎРИЛИБ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ НИНГ ДАСТУР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН МАНЗИЛЛИ ТАДБИRLАР РЕЖАСИННИГ ИККИНЧИ ЧОРАҚДАГИ ИЖРОСИ КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**



## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Ханапиев, Федерациянинг вилоятини кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов этган тадбирда қайд этилганидек, меҳнат соҳасида қонун устуворигини таъминлаш тармоқ тизимида барча ташкилотлар фаолиятида намоён бўлмоқда. Соглем ва хавфсиз меҳнат тарғиботи доирасида давра сухбатлари, семинар-тренинглар, фотокўргазмалар ўтиштириш анъана гайланган. Кўп босқичли, барча тизим ташкилотларини қўмаб олган «Меҳнат мұхофазаси ва хавфзилиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш» кўрик-тандови бир неча номинацияда ўтказилмоқда. Кўйи ташкилотлар фаолиятига белгиланган мезонлар асосида баҳо берилмоқда.

Тизимда «Бир мурожаат – натижаси» тамойили бўйича мулоқот механизми ишлаб чиқилган. Бу очиклик сари ташланган мұхим қадам бўлди. Ўтган чорак мобайнида мурожаатларга кўра, тизимда ишлётган 57028 нафар кишининг хуқуқлари тикланди. Ходимлар манбаатини кўзлаб иш берувчilарга 498 та тақдимнома иборииди, 383 ҳолатда эса судларга даъво аризалари ва илтимосномалар йўлланди. Ноҳақликка ураганларнинг 14 миллиард 164 миллион сўмдан зиёд миқдоридаги иш ҳақлари ундириш берилди.

Ихтимомий шерлиқлик муносабатлари доирасида тармоқ келишувига амалдаги қонун ва қонунисти хужжатларига кирилган қўшимчалар асосида 32 янги банд, келишувнинг 58 бандига ўзгартиришлар кирилди. Янгиланган амалиёт барча тизим ташкилотлари жамоа шартномаларида ўз ифодасини топди. Соҳа ходимларининг касб маҳоратини ошириш ниятида «Энг яхши ўтга тиббиёт ходими ва фармацевтика ходими», «Хамшира – 2023» кўрик-тандовлари доимий равишда ўтказилмоқда.

Ташкил этилган согломлаштириш, жисмоний чиңиқиши тадбирларига 183199 нафар тиббиёт ходими, тизимида олий ўқув юртида ўқиётган ҳамда ишлётган 45 мингдан ортиқ ёшлар жалб этилди. Ихтимомий сугурта ва касаба уюшма бюджети маблағлари хисобидан 2629 нафар ходим сиҳатохларда имтиёзли дам олди.

Иктисодиётнинг реал секторидаги илдамлаш, тадбиркорликнинг кўллаб-куватланиши тиббиёт соҳасида ҳам самарасини бермоқда. Тизимда хусусий сектор улуши тобора кўпайиб, айни тоғда бу йўналишда фаолият юритаётган шифо масканлари сони 8 мингтадан ошиди. Тармоқ касаба уюшмалари сўнгги ярим йилицда таркибида 10 нафардан ортиқ ходим бор 701 та мусассаса билан мулоқот олиб борди. Ҳозир 606 таси касаба уюшмалари хизматига олиниб, уларда ишлётган 10768 нафар ходимнинг ихтимомий-иктисодий ва меҳнат хуқуқлари химояси таъминланди.

Меҳнат масаласида ҳамон мувозанат бузилиши ҳолатлари бор. Ўтказилаётган жамоатчилик назорати натижасида улар бартароф этилоқда. Тармоқ кенгаши меҳнат инспекцияси аралашуви билан 54134 нафар ходимнинг хуқуқи бузилган деб топилиб, уларнинг фойдасига салкам 7 миллиард 922 миллион сўм ундириб берилди. Ходимлардан тушган 847 та мурожаат асосида 2894 нафар, судларга даъво аризалари киришир орқали 470 нафар ходимнинг манфаатлари химояланди.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ижроя қўмитасининг II мажлиси кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан тегиши қарорлар қабул қилинди. Тадбир доирасида Самарқанд вилоятидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирока ўкув-семинар ҳам ўтказилди.

Нурбой ФАХРИДИНОВ



Тошкент шахри

## Меҳнатга яраша эътироф



Аграсоноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ўтказган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-тандовида 45 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти қатнашиб, унда 6 та ғолиб аниқланди.

Хоразм вилояти

Хоразм вилоятидаги 2146 та бошланғич касаба уюшма ташкилотига 320 мингдан зиёд аъзо бирлашган. Йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Хоразм вилояти кенгаши томонидан 400 дан ортиқ бошланғич ташкилот фаолияти таҳлил қилинди.

Кўйи бўғин фаолиятини янада яхшилашга қаратилётган этиб, кўрсатилётган амалий ёрдамлар натижасида вилоядаги намунали бошланғич ташкилотлар сафи тобора кенгаймоқда. Буни «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-тандовида иштирок этиш истагидагилар сони йилдан йилга ошиб бораётган мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тандовнинг шаҳар-туман босқичларида қатнашган 1300 дан зиёд бош-

хусусан, аъзолар сони 100 нафарча бўлган бошланғич ташкилотлар ўтасида 1-ўрин ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси касаба уюшма қўмитаси, 2-ўрин «Ўздавверлойиҳа» давлат илмий лойиҳалаш институти касаба уюшма

кўмитаси, 3-ўрин «Картография» давлат илмий ишлаб чиқариши корхонаси касаба уюшма қўмитасига насиб эти.

Аъзолар сони 100 нафардан ортиқ бошланғич ташкилотлар ўтасида эса ғолиблини «Тошкент ирригация» ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқикини университети касаба уюшмаси қўмитаси кўлга кириди. 2- ва 3-ўринларни «Агробанк» АТБ касаба уюшма қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази касаба уюшма қўмитаси эгаллади.

Ғолиб ва совориндорлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбirimiz

## Фолиблар – кейинги босқичда



Мұхаббат ТЎРАБОЕВА

«ISHONCH»



«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-тандовининг Наманган вилояти босқичи ғолиблари тақдирланди.

Қарақалпогистон Республикаси



Нукус шаҳридаги Амет бахши номидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-тандовининг Қарақалпогистон Республикаси босқичи кўтарини руҳда ўтказилди.

## Фаоллик кўзгуси

Кўрик-тандов иккى номинация бўйича, яъни аъзолар сони 100 нафарча бўлган ва аъзолар сони 100 нафардан зиёд бўлган бошланғичлар ўтасида ўтказилиб, вилоят босқичи ғолиблари мунособи рағбатлантирилди.

Айтиш лозимки, кўрик-тандов шароғати билан ходимларга етарли меҳнат ва маший шароитлар яратиб берилиши, касаба уюшма қўмиталари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш масалаларига эътибор кучайди.

Орзуғул РУСТАМОВА

«ISHONCH»

## Ютуқлар ҳосиласи

Иштирокчilar хужжатлар, кўргазмали кўраллардан фойдаланган ҳолда ўз ишларини тақдим этиши. Тандов аввалида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг Қарақалпогистон кенгаши раиси ўринбосари М.Данияров сўз олиб, юртимизда амалга оширилётган ислоҳотлар ҳалқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилётганини алоҳидан таъкидлаб, соҳада ёршигаётган ютуқлар ҳамда келгуси режалар атрофлича тўхтади.

Тадбирда соҳанинг республика босқичидаги 1-, 2- ва 3-ўрин ғолиблари, шунингдек, худудий босқичда

фаоллик кўрсатган Қўнғирот тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Г.Маденова «Энг чиройли кўргазма ташкилот» ҳамда Қарақалпакстанин МЧК касаба уюшма қўмитаси раиси А.Мадаминов «Фаолиятини энг яхши кўрсата олган бошланғич ташкилот» номинацияси бўйича эътироф этилди.

Ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қарақалпогистон кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фотома АБДУРАИМОВА  
«ISHONCH»

Жиззах вилояти



## Самарадорлик баҳоси

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-тандовининг Жиззах вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Касаба уюшмалари ҳаракатини ташкилини жиҳатдан мустақамлаш, жамоанинг ижтимоий-иктисодий риҷовланишида бошланғичларнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган тандовда ташкилотлар фоалияти акс этган кўргазмали қуроллар, мультимедиа, банднерлар ва видеороликлар билан иштирок этди.

– Мулкчилик шакидан қатни назар барча корхона, мусассаса, ташкилотларда бошланғич ташкилот тузилиши, уларда жамоа шартномаларининг имзоланиши ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида йилга камиди бир марта хисобот берип борилишина таъминлашга ўтибор қаратилмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашини ташкил ишлар бўйими мудири Икром Юнусов. – Бу борадаги ишлар самарадорлигига ёришишда ушбу кўрик-тандов мұхим аҳамият касб этмоқда.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Муҳимбай ИСМОИЛОВ  
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

## Кўлни-кўлга бериб...

Касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-тандовининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Кўрик-тандовнинг шаҳар, туман босқичларида 1568 та бошланғич ташкилот иштирок этган бўлса, вилоят босқичида аъзолар сони 100 нафарча ва 100 нафардан ортиқ бўлган 7 та тармоқ бўйича 40 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти ғолибларини хис қилишгаётгандан маннунман.

– Тошкент туманидаги 6-мактабнинг физика фани ўқитувчи симан. Шу билан бирга, бошланғич касаба уюшма ташкилоти раисиман, – дейди кўрик-тандовнинг 1-ўрин соҳибаси Севара Бозорбоеva. – Ташкилотимизда 102 нафар ходим бор. Ҳар қандай муаммоли вазиятда ходимларимиз касаба уюшмаларининг кўлларини хис қилишгаётгандан маннунман.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, вилоятдаги нодавлат сектордаги корхона, ташкилот ва мусассасалар ходимларини касаба уюшмаларига тўлиқ жалб этиш юзасидан олиб борилган тарғибот-түшунтириш ишлари натижасида 2023 йил 1 ярим йилликда 901 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 18575 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинган.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА  
«ISHONCH»

Мана, бир неча йилдирки, ўқитувчи ва шифокорларнинг, турли корхоналару давлат идораларида хизмат қилаётгандарнинг мушкуллари анча енгиллашиб қолди. Негаки, улар мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай туридан озод қилинди. Масалага янада чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, мажбурий меҳнат қатъян чеклангани кундалик турмушимизга бирмунча ижобий ўзгаришлар олиб кирди. Биринчидан, ҳар ким зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажаришга одатланди, барча соҳада сифат ва самардорлик ўди. Иккинчидан, кўчалар ўзгача чирой очди, сайилгоҳлар, дам олиш масканлари, турли бино-иншоотлар атрофи янада кўркамлашиди.

Учинчидан, давлат идораларида, мактаб, мактабгача таълим, олий таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида фаолият юритаётган замондошларимизнинг, ўқувчи-талабаларнинг қадди кўтарилиди. Энг муҳими, мажбурий меҳнатдан амалда тайинли наф йўқлигини, тозалаш, ободонлаштириш, турли тадбирлар ўтказилгани тўғрисидаги ҳужжатлар фақат хўжакатлар фикримизнинг тушуниб етдик. Илгари ўз иши бир четда қолиб, қишининг қоқ чилласида ҳам ҳокимият билолари атрофига кўкармайдиган кўчатларни мажбуран эккан замондошларимиз бугун ҳовлисида турли-туман анвойи гуллар парваришлашмоқда.



## МЕХНАТ БОЗОРИДА ОДИЛЛИК ҚАРОР ТОПАЯПТИ(МИ?)

Бинобарин, жойларда мажбурий меҳнатга жалб этишининг олдини олиш, бу борада кенг қарорни тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ҳамда ҳукуматимизнинг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам берриша доир ўзимимча чора-тадбир тўғрисидаги қарори ижросини тъминлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бириди. Бу борада ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацииси раҳбарияти, унинг кўйи бўғинларида ишлётган фоаляр томонидан доимий жамоатчилик назорати ўрнатилгани меҳнат бозорида одиличе кенг кўлоч ёйшига асос бўлмоқда. Айниқса, пахта йигим-терими сингари мавсумий ишлар авжига чиқсан таъсиси бундай назоратнинг кучайтирилиши ҳалқимизга ҳар томонлама фойда келтироқда.

Федерациянинг Навоий вилояти кенгаши меҳнат-техник инспектори Маҳбуба Қамбарованинг таъқидлашича, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларини пахта теримига мажбуран жалб этишига чек кўйин максадида сўнгига иккى йил ичидаги ўтказилган жамоатчилик назорати давомида бэъзи ўқувчилар пахта даласида онасига ёрдамлаштагани аниqlangan. Хатирчи туманидаги «Сироҳиддин – Баҳодир саҳовати» фермер хўжалиги раҳбари эса теримда ихтиёри қатнашашаётганлар учун етарлича шароит юратмаган ҳамда 7 кунлик терим пулларини бермagan. Бундан ҳам ачинарлиси, иккала ҳолатга таалуқли мъалумотлар мутасадиди ташкилотларга юборилган бўлса-да, улар юзасидан бирор-бир чора кўримаган.

Ма ж б у р и ҳ меҳнатнинг олдини олиш, бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш тадбирларида касаба ўюшмалари тизими вакиллари фаол

қатнашашаётганини яна шундан англаш мумкинки, бултурги пахта терими мавсумида улар Республика Миллий мониторинг гурухи ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда виляятнинг пахтасиликка ихтисослашган бешта туманида 30 марта назорат ишларини олиб боришган. Шунингдек, фермер хўжаликларида 59 марта, умумтаълим мактабларида 27 марта, болалар боғчаларида 17 марта тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказишган. Сўнгра айрим фермерлар теримчиларга етарилаша шаҳарни яратиб бермагани, меҳнат шартномалари тузмагани, тиббий жиҳозлар йўқлиги билан боғлиқ муаммоларга доир ўнлаб ҳуҗжатлар расмийлаштирилиб, юқори турувчи идораларга тақдим этилган.

Касаба ўюшмалари тизими вакиллари нафақат қишлоқ, ҳўжалиги соҳасида, балки иқтисодийтнинг бошқа тармоқларида ташкилот-корхоналарда ҳам мажбурий меҳнатнинг олдини олиш максадида узлуксиз миллий мониторинг ўтказишдан ташкири, кенг жамоатчилик назоратини ҳам ўрнатишган. Муаммоларни ўрганиш жараёнида меҳнат қонунчилигига риоя этиш кўнгималарига, жамоа шартномаларини тузиши тартибига нечогли амал қилинаётгани ҳам алоҳида этибор қаратилаётгани ижобий самаралар бермоқда.

Мониторинг ўтказиш пайтида меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларни ҳуқуқий ва моддий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, таътил бериш ишдан бўшатиш, жазолаш каби ҳолатлар ҳам атрофича таҳлил қилинмоқда. Меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатни синчковлик билан ўрганиш чоғида қонунбузилишлар ёки бирор-бир ходим номақликларни аниқлансанса, к о р х о -

на-ташкилотлар мутасаддиларига, ҳуқуқ-тартибот идораларига тегиши тартибда мурожаат қилиниши натижасида бу борадаги муаммолар тобора камаймоқди.

Сирасини айтганда, меҳнат бозорида адолат шамоли эса бошлагача, касаба ўюшмаларига келиб тушаётган мурожаатлар, ариза ва шикоятлар кескин равишда кўпак бошлади. Бу эса ҳалқимиз касаба ўюшмалари нималарга қодирлигини моҳият англаб етётганидан далолатдир.

Навоий вилоятида ўтган йили юридик шахс мақомига эга корхона, ташкилот, мусассаса ва фермер хўжаликларининг 99,7 фойзида ҳамоавий шартномалар тузилган. Уларда меҳнат қонунчилигига тўлиқ амал қилиниши қайд этилган. Иш берувчилар иштирокидаги амалий семинарларда, меҳнат низолари олдини олишга қаратилган тадбирларда Мехнат кодексининг 157-моддасида қайд этилганидек, байрам ва дам олиш кунлари ишлаган ходимларга иккى ҳисса ҳақ тўлаш, ишчи ўз ҳошишга кўра ишлаган кунлари эвазига бериладиган қўшимча дам олиш кунларини белгилаш билан боғлиқ тартиб-қоидалар бўйича тушунишга ишлари олиб борилди.

Айни кезларда Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши меҳнат-техник, меҳнат-хўкуқ инспекторлари, меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий манфатларини ҳимоя қилиш бўлими масъуллари вилоят Бандик баш бошқармаси ва тегиши ташкилотлар билан ҳамкорликда мавсумий ишчиларни ёллаш тартибларини тасомиллаштириш, ёлланма ишчи-хизматчилар ҳақ-хўкукларини ҳимоялашни кучайтириш, давлат ёки ҳусусий секторларга алоқаси бўлмаган меҳнат бозорларида адолат тамоилиярини барқарорлаштириш, шу тарпи одам савдоига чек кўйиш йўлида катта изланишлар олиб боримоқда. Барча муносабатлар халқаро меҳнат стандартларига мослаштирилмоқда.

Инқоризли ва низоли иқтисодиёт мажбурий меҳнатнинг салбий оқибатларига, меҳнатга оид қонунчилик асослари ичидан зил кетишига, одам савдоиси авж олишига олиб келади. Мамлакатимизда бундай муаммолар олдини олиш учун жиддий чоралар кўрилаётгани ва бу ишга касаба ўюшмалари тизими ходимлари ҳам жалб этилаётгани айни муддао бўлмоқда.

Нормурод МУСОМОВ  
«ISHONCH»



**БИР ГАЛ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУДДАГИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИГА БОРДИМ. РЕЖАГА ҚУРАШИДА, ШИФОКОРЛАРДАН ҚИСҚА ИНТЕРВЮЛАР ОЛДИМ. ҚАЙТАЁТИБ, ОНКОЛОГ ШИФОКОР БИЛАН ҲАМ ИККИ ОФИЗ ГАПЛАШИШНИ, НЕГАДИР БУ КАСАЛЛИК ЁШАРИД БОРАЁТГАНИ, УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШНИ КЎЗЛАБ, МЕН ҲАМ БОШҚАЛАР ҚАТОРИ НАВБАТДА ТУРДИМ.**



Ҳаёт чорраҳаларида

## ЎЛМАСИНГДАН КАФАН БИЧАРЛАР...

Шу пайт қирқ ёшлар атрофидаги бир кишига кўзим тушди. У жуда ғамгин, кўзлари қизарган эди. Ўйладимки, ё ўзи касал, ёки яқинларидан бири. Давосиз дарддан ўзи арасин...

Буни қарангки, бир пайт бояги киши ёнимга келиб ўтириди.

– Нимага келдингиз бу ерга? Кўрининингиздан соғломсиз-ку!

Дабдурустдан берилган саволдан ҳайрон қолдим. Мен журналистигимни, бу ерга иш билан келганимни айтдим.

– Нимагот хотиним олти ойдан бўйен касал, – дея йиғламсираб давом этди у. – Ҳозир бир-иккита ҳужжатига келдим. На еган-ичганимда ҳолат олди, ҳам оғизларига келиб кетсендига...

Үнга раҳмим келди. Ҳеч кимнинг яқини касал бўлмасин. Хотини ёшdir ҳали, болалари ҳам бордир. Дард чекаётган яқин одамининг қийналётганини ҳар куни кўриш – азоб...

– Журналист экансиз, мени тўғри тушунсанги кепрак, – деди у овозини пасайтириб. – Шу... ҳозирдан яна битта аёлга ўйлансанмизкан? Ахир касал хотин билан ўтмайман-ку, бу дунёдан. Мен ҳам инсонман, эрек кишиман... Айтганча, оиласимишиз?..

Ҳозиринга раҳмим келиб ўтирган бу одамга нисбатан бир зумда нафрят ўғонди. Ахир аёлни ҳали тирик. Дард билан курашаётган аёлга эрининг далласи ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ керак-ку ҳозир. У бўлса... Унинг аҳмокона фикрини уялмай-нетмай менга айтганига ўрайми? Ноинсоф, но-мард одамининг ёнида ўтиришгам хазар қилиб, нари кетдим.

Ағусс... Ким учундир вақтингизни, умрингизни, ёшлигингизни сарфлайтириб. Бунинг қадрига етадиганлар бор, албатт, аммо ўлмасингиздан бурун кафан бичадиганлар ҳам борлигига нима дейсиз?..

Нигора РАҲИМЖОНОВА



### Мавзуга қайтиб...

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 3 марта даги сонида «Вақтичалик кўприклар... «Пахталисой аҳлининг дардини ким эшидади?» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Кўкдала тумани «Пахталисой» маҳалласи аҳлининг кўп йиллик орзуси – «Эски Анҳор» канали узра кўприк қуриш масаласи ҳақида сўз юритилганди.

## «Эски анҳор»нинг эски муаммолари



### Самарқанд вилояти

## Ажабо! МИЛЛИОНЛАРНИ «ЮВИБ» КЕТГАН ТОШҚИНЛАР

Кейинги пайтларда бунёдкорлиқда кўпинча сифат ўрнига сон ортидан қувиш, муддат отини қамчилаш одатга айланди. Шунинг учун ҳам ушбу соҳадаги чала-чулла ишлар тобора кўпайиб бормоқда. Айниқса, йўл қурилишига доир муаммолар, нафақат уларни барпо этиш, балки лойиҳалаштириш чоғида ҳам тез-тез кўзга ташланмоқда. Бизнингча, Нуробод туманининг «Ағрон» маҳалласидаги кучли жаладан кейин вужудга келган ҳолат фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Бундан иккى йил аввал ушбу йўл қурилиши лойиҳалаштирилётганда қишлоқ аҳли мутасаддиларга маҳаллий шарт-шароитни тушунирганди. Бирор уларнинг фикр-муҳаласалари ва тақиғларни инобатга олинмаганди.

«Адиrlарга туташ бу гўшада яшаган неча-неча ажодларимиз сел балоси билан кўп тўқнаш келган, – деб ёзди фуқаро Ҳолмурод Саринев ижтимоий тармоқлардаги чиқишида. – Кучли ёғингарчилик туфайли пайдо бўладиган кучли оқим айнан шу манзидан ўтган. Бу эса у ерда кўприк ёки кучли босимга дош бера оладиган сув ўтказичи қуришина тақозо этарди».

Амалда-чи... Амалда маблағ ҳавога совурилгани учун жағобарлик кимнинг зиммасига тушиди? – Йўл қурилишидаги хато-камчиликлар ҳақида гап очилгандан, лойиҳачи барча айбни курувчига, курувчи эса лойиҳачига ағдарорб ва зиядан чиқиб кетиш пайдада бўлади, – дейди самарқандлик Камол Сайдов. – Аслида ҳамма гап лойиҳага, унинг аввалбошданоқ ҳар томонлама пишиқ-пухта бўлишига бориб тақалади. Катта маблағлар ҳисобига барпо этилаётган иншоатлар ҳалқа узоқ вақт ҳизмат қилиши керак. Ағусси, бизда қурилган йўлларнинг аксариёти фойдаланишга яроқлилик муддати бир-иккى йилдан ошмайди.

Суҳбатдошимиз ҳақ!

Унинг гаплари юкорида тилга олинган йўл қурилиши мисолида яна бор исбони тоғмоқда. Ҳуш, ушбу масалага мутасаддилар ҳандай муносабат билдиришар экан?..



Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»



Акмал АБДИЕВ  
«ISHONCH»

# Токи «ЎЗИМИЗНИКИ» деб билмас эканмиз...

Танаффус пайти эди. Ҳовлида ўйнаётган бошланғич синф ўқувчиларидан бири қўлидаги қоғозни тижимлаб чеккага отди. Уни секин ёнимга чақириб, «Болам, ташлаган қоғозингни ол», дедим. У бориб олди. Мен унга тайинладим: «Энди буни сўмканга сол. Уйга борганингда ҳовлиларингга ташлайсан». «Йўқ!» деди у кўзларини катта-катта очиб. «Нима учун?» деб сўрагандим, ўқувчи дадил жавоб қайтарди: «Ахир, у бизнинг ўйимиз-ку!...»

Болакайнинг шу бир оғиз сизи менга жуда оғир ботди. Унда «Мактаб меники!» деган тушиунча йўқ эди. Бу, демакки, биз уларга шу тўйғуни сингидролмабоз. Мажлисбозлиги тадбирбозлигизим изш бермабди. Улар бизнинг йўл-йўлакай сувхалтаю, ҳар хил бўйи идишларни отиб кетимишни кўрган. Факат ўз ўйимизга зеб бериб, кўчамиш, маҳалламиш, шаҳримизга эътибор қаратмаганимизга гувоҳ бўлишган.

Модомики, шундай экан, йўлаклар нега чиқиндилар билан тўлаётгани, ўриндиқлар кўпориб кетилаётгани, тунги чироқлар ўтилганларни сизни ахблантирмай кўяверсин. Ахир, ўтиб бораётган поезд отасиники бўлса бола вагонларга тош отиб, ойналарини синдирадими? Ўз уйи деворларига «+» белгиси билан ҳар хил исмлару юркавлар расмими муҳрлайдими? Нега ҳар ким фақат ўзига тегиши нарсаларни асраб-авайлади? Сабаби аён: тушунчамиз тор. Бизда ҳақиқий эгалик ҳисси этишмайди.

Самарқанд шаҳри келинларида яхши бир одат бор. Улар субҳидамда кўча супуришганда ҳали келин олмаган ёки дастёри бўлмаган кўшниларининг эшиклари тагини ҳам супуриб, сув сепиб қўйи-кўчаларни тозалашарди. Шунинг баробарида «ҳашар ош»лари тайёланарди. Энди-чи?.. Энди улар бироз унтилгандай. Бундай хайрли ва савобли тадбирларга бош-қош бўлиши лозим саварларни тозалашарди. Шунинг баробарида «ҳашар ош»лари тайёланарди. Энди-чи?..

нарсаларни дуч келган жойга улоқтиришдан улмайдиган, «Хамма шундун қила-япти-ку!» деб ўзимизни оқлайдиган ҳолатга тушдик. Йўллару йўлаклар куриб, ҳордик чиқаришимиз учун ўриндиқлар ўтилганларниң, чироқлар кўйиб тунимизни ёрттигандарнинг меҳнатини қадрламай кўйдик.

Яхшилаб суршиштсангиз, чироқларни ўтилганларни синдираётган, ўриндиқларни кўпораётган, экилган кўчматларни сурғуб, майсаларни пайҳон киляётган кишилар маҳалласи, қишлоғи ва шаҳри учун лоақал битта фишт ўймаган бўлиб чиқади.

Аслида бундай кўнглисизлар рўй бермаслиги керак. Бунинг учун ҳар бир киши шу қишлоқ, шу шаҳар, шу юрт менини, деб билиши, ўзи унинг ҳақиқий эгаси эканлигини ўрак-юрагидан хис этиши керак. Гапнинг лўндинасини айтгандা, токи юртимиз ўзимиз яшайдиган битта оила, битта хона-дон деб билмас эканмиз, ўзимиз ўтирган шоҳга ўзимиз болта ураверамиз...

Бахор ХОЛБЕКОВА  
«ISHONCH»



Мулоҳаза

## Эълон

### «SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ МУЛКНИНГ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРШИИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Очиқ аукцион савдоларига «Аму-Сурхон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига тегиши бўлган кўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, 75 133 ОАД давлат рақамли, техник таъминалаб ва носоз ҳолатдаги «ZIL DDA 130» русумли транспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 846 640 сўм.**

2. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, 75 533 ГАД давлат рақамли, техник таъминалаб ва носоз ҳолатдаги «GAZ 53» русумли маҳсус цистерна автомобили. **Бошланғич баҳоси – 1 581 707 сўм.**

3. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, 75 AA 513 давлат рақамли, техник таъминалаб ва носоз ҳолатдаги «ЭО 4111» русумли экспекатор. **Бошланғич баҳоси – 2 641 229 сўм.**

5. 1989 йилда ишлаб чиқарилган, 75 984 ГАД давлат рақамли, техник таъминалаб ва носоз ҳолатдаги «GAZ 5312» русумли юқ цистерна автомобили. **Бошланғич баҳоси – 1 581 707 сўм.**

4. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, 75 AA 513 давлат рақамли, техник таъминалаб ва носоз ҳолатдаги «T-40» русумли трактор. **Бошланғич баҳоси – 1 321 320 сўм.**

6. 2003 йилда ишлаб чиқарилган, 75 ВА 753 давлат рақамли, техник таъминалаб ва носоз ҳолатдаги «CASE 580 M» русумли трактор. **Бошланғич баҳоси – 36 883 916 сўм.**

7. 1988 йилда ишлаб чиқарилган, 75 534 ГАД давлат рақамли, техник таъминалаб ва носоз ҳолатдаги «GAZ 5201» русумли автомобиль. **Бошланғич баҳоси – 1 321 320 сўм.**

8. 2003 йилда ишлаб чиқарилган, 75 ВА 753 давлат рақамли, техник таъминалаб ва носоз ҳолатдаги «CASE 580 M» русумли трактор. **Бошланғич баҳоси – 36 883 916 сўм.**

9. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, 75 534 ГАД давлат рақамли, техник таъминалаб ва носоз ҳолатдаги «GAZ 5201» русумли автомобиль. **Бошланғич баҳоси – 1 321 320 сўм.**

Саводлар 2023 йил 21 август куни соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 162-йи, 1-хонадонда очиқ аукцион комиссияси иштирокида таъказилиди.

Юқоридаги мулк 2023 йил 21 август куни аукцион савдосида сотилмаган таъдида ёки савдо ғолби беглиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортига, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бахаримас, тақорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиласиз.

Автотранспорт воситалари билан «Аму-Сурхон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси ходимлари иштирокида бевосита жойига қишиб, танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нускаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибида беглиланган ишончнома тақдим этиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пулни тўғрисидаги келишишни имзолаб, закалат пулни тўланган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 2 (иккى) соат олдин тўхтатилиди.

Талаборлар «Закалат пулни тўғрисидаги келишишни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулни «SURXON SAVDO INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобрасимага (банк: XAB «Трастбанк»нинг Термиз филиали, МФО: 01063, x/р: 2020 8000 1005 1270 9001, СТИР: 303477661) тўлашлари ҳамда кўйидаги ҳужжатларни иккى нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нускаси, закалат пулни тўланганни ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибида расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Термиз шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 162-йи, 1-хонадон. Телефон: +998 (76) 221-90-36.

Гувоҳнома № 903

## МАТОНАТЛИ АЁЛ ҚИСМАТИ ҲАҚИДАГИ АСАР



Асарда буҳоролик Бону исмили қизининг қисмати орқали жамиятимиздаги турли иллатлар фос этилади ҳамда айрим қишиларининг асл баҳараси очиб берилади. Бундай кимсалар орасида хорижда яшайдиган ҳаммортарлиминиз ҳам бўлиб, уларнинг кирдикорларидан оғоҳ топгач, ҳайратдан ёка уйлайсиз бехтийер.

Хусн-хамолига кўпчилик маҳлие бўлган Бонунинг ҳаёти аввалбошда ҳавас қўйла әрзигуллик эди. Аммо кўп ўтмай... Олдин бобосидан, кейин дадасидан айрилди. Устига-устак, таҳасида оқ, доғлар пайдо бўлди. Оқибатда севилиси Олмоснинг ўзи ўйриб, бошқа қизга уйланди. Ақасининг дўсти Юсуф эса Бонунинг обурсига доф тушиди.

Асарда кундалик ҳаётдаги ноҳакликлар, пул топиш ниятида ака синглисига ёғон гапириши ҳамда бошингга куфат тушганда ён-атрофингда деярли њеч ким қолмаслиги билан боғлиқ ноҳу ҳолатлар маҳорат билан тасвirlangan.

Дарвоҷе, ёш Бонунинг бошига ёғилган балорлар кимнинг кимлигини кўрсатди. Аммо ҳаёт уни Шоира опа, Икром опа, Ҳувайдо бобо, Алишер ва Бобур каби ҳавши инсонларга ҳам рўйбўр қилиди. Улар инсонни кўлайдиган, дардини ҳис кўлайдиган ва зарур пайтларда том маънодда суюнчи бўладиган инсонлар эди. Айнича, фариштада кутилашади.

Бу қизининг мухожириликда кечган бўйи билан танишишканман, тогасининг ножӯй қиликлари, ақасининг кўп мумолосаси, миллатдошини соишдан ҳайқимаган Диљбар каби аёллар, гулдек оиласи бўла туриб, бошқа аёлларга илакишиб юрган баднафс эркаклар ҳақида ўқиб, даҳшатга тушдим. Аммо Бонун ҳар қанча азоб-уку-

## Мутолаа

Китоб мутолаа қилиш, яхши бадий асарни бошқаларидан фарқлай олиш, унинг мазмун-моҳиятини теран англаш мўҳим аҳамиятга молик ишдир. Шу боис мен ҳам қайсиdir бир асар қаҳрамони билан танишар эканман, аввало, у қандай инсон эканини билишни истайман. Бу сафар қўлга олганим Иқбол Мирзонинг «Бону» романни бўлди. Кундалик тарзида битилган асарни ён-атрофимда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни буткул унугтан ҳолда, кўзларимга ёш тўлиб ўқидим.

Бат исканжасида қолмасин, унинг Сабри, Иродаси, Матонати, Ишончи, Мехрига тан бермаслигинни иложи йўқ. Зоро, инсонийлик фазилатларини йўқотмаслик ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайдиган ўзига хос жасоратдир.

Бону бегона юртга бориб, кўчада қолганди ҳам, Диљбар ёмон үйга бошлиомочи бўлганда ҳам, ҳатто айрим қишилар тўхмат қилишганда ҳам ўз аҳдидан кечмади. Унга паст назар билан қараганларга ва ўзини устун бўлган қутилашади.

Мен романни ўқиб, жуда кўп нарсаларни ўргандим. Ҳаётда турли қийинчилкларга дуч келганда қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади.

Бону бегона юртга бориб, кўчада қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади. Ҳаётда турли қийинчилкларга дуч келганда қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади.

Бону бегона юртга бориб, кўчада қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади. Ҳаётда турли қийинчилкларга дуч келганда қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади.

Бону бегона юртга бориб, кўчада қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади. Ҳаётда турли қийинчилкларга дуч келганда қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади.

Бону бегона юртга бориб, кўчада қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади. Ҳаётда турли қийинчилкларга дуч келганда қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади.

Бону бегона юртга бориб, кўчада қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади. Ҳаётда турли қийинчилкларга дуч келганда қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади.

Бону бегона юртга бориб, кўчада қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади. Ҳаётда турли қийинчилкларга дуч келганда қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади.

Бону бегона юртга бориб, кўчада қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади.

Бону бегона юртга бориб, кўчада қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади.

Бону бегона юртга бориб, кўчада қолганди ҳам, Ҳордик қишиларни тайинлашади.

Бону бегона юртга бориб, кўчада қолганди ҳам,